

ОММАВИЙ ОФЕРТА

(“Shaffof-uy” мобил иловасидан фойдаланиш ҳақида)

Ушбу ҳужжат “REAL SOFT” МЧЖнинг (Кейинги ўринларда “Ҳуқуқ эгаси” деб юритилади) оммавий офертаси – “Shaffof-uy” мобил иловасидан фойдаланиш таклифи (Кейинги ўринларда – оферта деб юритилади) ҳисобланади.

Ушбу оммавий оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 369-моддаси асосида тузилган бўлиб, “ Shaffof-uy ” мобил иловасидан фойдаланиш таклифини ўз ичига олади.

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Офертада қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

- Мобил илова “Shaffof-uy” (Кейинги ўринларда – мобил илова деб юритилиши мумкин) – мобил технологиялар асосида яратилган, болалар боғчаси ҳақида умумий маълумот олиш имкониятини яратиш, болалар боғчасида тарбияланаётган фарзандлари учун тўловларни амалга ошириш, болалар боғчаси тарбияланувчисининг овқатланиш менюси тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратиш, тарбиячи ва тарбияланувчининг ота-оналари билан реал вақт режимида алоқага киришиш имкониятини яратиш, тарбияланувчининг узрли сабаблар мавжуд бўлганда боғчага бормаслик учун рухсат олиш имкониятини яратиш, боғча локацияси (жойлашуви) ва унга етиб борадиган жамоат транспортлари ҳақида маълумот олиш учун мўлжалланган махсус дастурий таъминот. Фойдаланувчи мобил қурилмага мос келадиган расмий манбадан иловани юклаб олиш орқали мобил иловадан фойдаланиши мумкин;
- Шахсий кабинет – мобил иловада махсус соғламаларни амалга ошириш, даволат тарихи ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш учун яратилган дастурий интерфейс.
- Тарбиячи – боғча ёшдаги болаларни - тарбияланувчиларни тарбиялаш, парвариш қилиш, назорат қилиш ва таълим, тарбия жараёнларига масъул бўлган шахс.
- Тарбияланувчи – болалар боғчасига қабул қилинган 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар;
- Фойдаланувчи – мобил иловада авторизация қилинган ёки идентификация қилинган ва “Bolalar Bogchasi (ota-ona)” мобил иловасидан фойдаланадиган болалар боғчасида фарзанди тарбияланаётган ота-оналар.
- Электрон рақамли имзо (ЭРИ) - ёпиқ калитдан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатдаги ахборотни махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда очик калит ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда ўзгариш йўқлигини аниқлаш ва ёпиқ калит эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.
- Face ID - мобил қурилмага ўрнатилган шахс юзининг ҳажм-макон шакли сканеридан фойдаланган ҳолда фойдаланувчини идентификация қилиш функцияси;
- Оферта – Ҳуқуқ эгасининг номуайян шахслар доирасига мазкур офертада кўрсатилган мобил иловадан фойдаланиш учун Ҳуқуқ эгасининг шартларига мувофиқ шартнома тузишга қаратилган таклиф.

– Акцепт - ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган таклифда келтирилган шартлар асосида шартнома тузишга оид таклиф (оферта) билан розилик.

2. ОФЕРТАНИ ТАСДИҚЛАШ (АКЦЕПТЛАШ)

2.1. Ушбу мобил иловадан фойдаланиш учун мазкур Оферта шартларига тўлиқ розилик билдирилиши ва қабул қилиниши лозим.

2.2. Мобил илова “Фойдаланувчилари” ушбу Офертани ўзларига тегишли ЭРИ билан имзолаши, Ягона идентификация тизими (ЯИТ) OneID, face ID ёрдамида ўз шахсини идентификациялаш йўли билан ушбу Оферта шартларига тўлиқ розилигини (акцептланганини) билдиради.

3. ОФЕРТАНИНГ ПРЕДМЕТИ

3.1. Мазкур Офертага мувофиқ “Ҳуқуқ эгаси” “Фойдаланувчилар”га мобил иловасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериши, “Фойдаланувчилар” эса мобил иловадан мазкур Офертада белгиланган тартибда фойдаланиш мажбуриятини оладилар.

3.2. Мазкур Оферта “Фойдаланувчилар” томонидан акцептланганидан бошлаб кучга киради.

3.3. Мобил илованинг пуллик модулларидан фойдаланиш ҳаққи мобил илованинг «Биллинг менюсида» кўрсатилади ҳамда “Фойдаланувчи” томонидан тегишли модул танланганидан ва пуллик модулдан фойдаланиш учун олдиндан тўлов тўланганидан сўнг мобил илованинг тегишли пуллик модули фойдаланишга очиб берилади.

4. ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

4.1. “Фойдаланувчилар” мазкур Офертани акцептлашдан олдин, мобил иловага кириш қисмида жойлаштирилган “Шахсга оид маълумотларнинг махфийлик Сиёсати”, мазкур офертанинг мазмуни, шартлари, билан тўлиқ танишиб чиқиши шарт.

4.2. “Фойдаланувчилар”нинг электрон рақамли имзоси ва бошқа шахсини идентификациялаш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча ҳатти-ҳаракатлар “Фойдаланувчилар” томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади. “Ҳуқуқ эгаси” учинчи шахслар томонидан “Фойдаланувчилар”нинг рўйхатга олиш маълумотларидан рухсатсиз фойдаланилганлиги, учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4.3. Тизим орқали тўлов қабул қилинганда фискал белгили чек шакллантирилиб, шахсий кабинетда акс этирилади. Агар тўловни қабул қилувчи болалар боғчаси Электрон солиқ хизматлари порталидаги шахсий кабинети (<https://my3.soliq.uz>) орқали “Smart Marketplace” АЖни комиссиянерлар рўйхатига киритмаган бўлса, Фойдаланувчига аванс чек шакллантириб беради. Бундай ҳолатда Фойдаланувчига фискал чек ёки электрон ҳисобварақ- фактура бериш мажбурияти Болалар боғчасига юклатилади.

5. ҲУҚУҚ ЭГАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТИ

5.1. “Ҳуқуқ эгаси” “Фойдаланувчилар”га мобил иловани мазкур Оферта шартларига мувофиқ фойдаланишга беради.

5.2. Мобил иловадан фойдаланишга тўсқинлик қилаётган техник, технологик ёки бошқа сабаблар аниқланган ҳолда улар бартараф этилгунга қадар “Фойдаланувчилар”га оферта шартлари асосида мобил иловадан фойдаланишни вақтинчалик тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

5.3. “Фойдаланувчилар” томонидан оферта шартлари бузилган ёки бажарилмаган ҳолда унга мобил иловадан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

5.4. “Фойдаланувчилар”нинг рўйхатга олиш маълумотларининг (ЭРИ, OneID ва face ID) махфийлигини таъминлайди.

5.5. Ҳуқуқ эгаси бир томонлама мазкур Офертага ўзгартириш киритишга ҳақли, бунда «Ҳуқуқ эгаси» тегишли ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотни мобил илованинг интерфейсида жойлаштириш ёки SMS хабар юбориш йўли билан “Фойдаланувчилар”ни огоҳлантиради.

6. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

6.1. Ушбу оферта доирасида ишлаб чиқилган мобил илова «Ҳуқуқ эгасининг»нинг интеллектуал мулки ва тижорат сири ҳисобланади. “Фойдаланувчилар”га ушбу мобил илова ўзгаришсиз фойдаланиш шарти билан берилади.

6.2. “Фойдаланувчилар” ушбу мобил иловани, шунингдек унинг қисмларини «Ҳуқуқ эгаси»нинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга бериш, модификациялаш, нашр қилиш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Қўйидаги ҳолатлар учун «Ҳуқуқ эгаси» жавобгар бўлмайди:

- «Ҳуқуқ эгаси»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Фойдаланувчилар» мобил иловадаги имкониятлардан фойдалана олмаётгани учун;
- телекоммуникация тармоқларидаги узилишлар, носозликлар ва алоқа сифати учун;
- мобил иловадан фойдаланиш ёки ундан фойдалана олмаслик, шунингдек учинчи шахсларнинг хато ва камчиликлари сабабли «Фойдаланувчилар» зарар кўрганда;
- «Фойдаланувчилар» томонидан ўзининг электрон рақамли имзоси ёки бошқа шахсини идентификациялаш воситаси учинчи шахсларга берилиши оқибатида етказилган зарар учун;

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Томонларнинг мазкур Офертада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

8.2. Шартномани бажариш юзасидан томонлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаганда, амалдаги қонунчилик белгиланган тартибда тегишли суд орқали ҳал этилиши мумкин.

9. АХБОРОТ МАХФЙЛИГИ

9.1. “Фойдаланувчилар” ўзи ҳақидаги барча маълумотларнинг, шу жумладан шахсга оид маълумотларининг мобил иловада сақланиши ва қайта ишланишига розилик беради ва

қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ушбу шахсга оид маълумотларини учинчи шахсларга беришига розилик билдиради.

9.2. “Ҳуқуқ эгаси” мобил иловадаги маълумотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан лозим даражада ҳимоялаш мажбуриятини олади.

10. ОФЕРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1. Мазкур Оферта Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига биноан, оммавий, очиқ-ошкоралик асосида амал қилувчи ҳужжат ҳисобланади.

10.2. Мазкур оферта билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.3. Офертанинг амал қилиш муддати у акцептланган санадан бошлаб, шартнома шартлари тўлиқ бажарилган кунга қадар деб белгиланади.

ҲУҚУҚ ЭГАСИ

РЕКВИЗИТЛАРИ: "REAL SOFT"

МЧЖ

Юридик манзили: Тошкент шаҳар,
Юнусобод тумани, Мирзо улуғбек
МФЙ, Кичик Ҳалқа Йўли кўчаси, 38-
уй.

СТИР: 303465075

Ҳ/р: 20208000300510463003

МФО: 01095

Банк: ASIA ALLIANCE BANK

Шайхонтохур филиали